

Кимёхон Турабоева

Денов Тадбиркорлик ва педагогика институти доценти.

turabaevakimia@gmail.com

ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада инсон капиталининг инсонда мужассамлашган ақлий ва жисмоний қобилият сифатидаги мазмуни, унинг ривожланишида ижтимоий соҳа мажмуи таълим, тиббиёт, меҳнат ва уй-жой шароитларининг аҳамияти, ижтимоий соҳага сарфланган вақт ва маблағ инсон капиталига сарфланган инвестиция эканлиги, билимли, тажрибали ва соғлом кишилар ишлашдан ҳамиша жамият манфаатдор бўлганлиги, бунинг учун ижтимоий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш кераклиги кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, ақлий ва жисмоний қобилият, ишчи кучининг сифат жиҳати, шаклланиш, таълим, тиббиёт, меҳнат ва уй-жой шароитлари, ижтимоий соҳа, инвестициялар, такомиллаштириш.

THE ROLE OF THE SOCIAL SPHERE IN THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL

Abstract: The article reveals the content of human capital as mental and physical abilities embodied in a person, the importance of the complex of the social sphere in the development of education, medicine, working conditions and housing, as well as the fact that time and funds invested in the social sphere are investments into human capital. It was believed that society has always been interested in educated, experienced and healthy people to work, for this it is necessary to deepen reforms in the social sphere.

Key words: human capital, mental and physical abilities, qualitative aspect of the labor force, formation, education, medicine, working conditions and housing, social sphere, investment, improvement.

Кириш

Иқтисодиётда кечаётган таркибий ўзгаришлар шароитида ҳар қандай давлат учун энг катта бойлик бу мамлакатда яшаётган инсонлар, уларнинг ақлий ва жисмоний имкониятидир. Инсоннинг меҳнат қила олиш қобилияти, маълумоти, тажрибаси, удабуронлиги, ишбилармонлиги, жисмоний тайёргарлиги ва ақлий сифат кўрсаткичлари мажмуи инсон капитали сифатида таърифланади. Инсон капитали у инсонда мужассамлашган

салоҳиятнинг муҳим ўлчови у ортирилган тажриба, билим ва истеъдодни ўзида акс эттиради.

Инсон капиталини ривожлантириш ҳозирги замонавий шароитда тор маънода-корхона ва муассасалар доирасида аҳамият касб этиб қолмай, балки жамиятнинг асосий мазмунига айланмоқда. Чексиз имкониятларга қодир инсон капиталини ривожлантириш иқтисодиётнинг жорий ва истиқболдаги ўсишига хизмат қилиши ўз исботини топмоқда.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг асосий мақсадларидан бири баркамол авлодни шакллантириш, уларнинг таълим олиши ва ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бу ҳақда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий мажлисга қилган мурожаатномасида тўхталиб, “Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замоавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Республикамызда биргина олий таълимда олиб борилаётган ислохотлар самараси боис кейинги йилларда олийгоҳлар сони 2016 йилдаги 77 тадан 141 тага кўпайганлиги, 26 та хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси уч баробарга ошганлиги инсон капиталини ривожлантиришнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Адабиётлар таҳлили

Янги шароитда инсон салоҳиятининг ўсишига эришмай туриб, иқтисодий ривожланиб бўлмаслиги кўплаб ишбилармон ва бошқарувчилар томонидан тан олинди. Хусусан, автомобил саноатидаги машҳур амеркалик тадбиркор Г.Форд корхона самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишчи кучи салоҳиятига эътибор қаратган ва юқори натижаларга эришган. Г.Форд ишчиларнинг касб-маҳоратини ошириш билан бирга, уларнинг ишлаши ва дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳамда ишчиларнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартиришга ҳаракат қилган.

Кейинчалик инсон капиталини бошқариш ва такомиллаштириш масалалари кенг ёйилиб бошқа корхоналарда ҳам катта қизиқиш ўйғота бошлади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб корхоналарда ишчи ходимлар социологлар, психологлар ва иқтисодчилар томонидан махсус кузатилиб борилди.

Машхур ингилиз иқтисодчиси У.Петти “Меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси” эканлигини таърифлаган. Бугунги кунда меҳнатнинг мазмуни ва амалга ошишида инсоннинг биринчи ўринда туришини реал ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Меҳнат инсон ҳаётининг ва жамият бойлигининг манбаи биринчи ва асосий шарт ҳисобланади. Меҳнатнинг мазмуни инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи сифатида ҳар томонлама ривожлантириш муаммосини ҳал қилишни талаб қилади. Бу меҳнат самарадолигининг ошишига ва меҳнат қилиш қобилиятининг фаоллашувиغا хизмат қилади.

Иқтисодиётдаги кенг қўламли таркибий ўзгаришлар “Инсоний капитал” назариясининг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни ривожлантирувчи ижтимоий соҳа алоҳида иқтисодий тармоқ сифатида ўрганила бошлади. Жумладан, ижтимоий соҳа иқтисодиёти илмий йўналиш сифатида XX асрнинг 50-60 йилларидаги ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни боғлаш учун муваффақиятли ҳаракат қилган Т.Парсонс ва Н.Смелсер социолог-олимлар номлари билан бевосита боғлиқдир [4].

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратшимиз керак” деган ғояларининг замирида инсон капиталини ўстиришдек эъзгу-ният мужассамлашганлигини кўрамиз. [1]

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда статистик жадвал ва аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

Асосий қисм

Иқтисодиётда меҳнат унумдорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва ресурслардан тежамли фойдаланиш, миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш каби қатор тадбирлар борки, булар юқори сифатли инсон ресурсига боғлиқлиги намоён бўлмоқда.

Иқтисодчиларнинг фикрича, миллий бойликнинг шаклланишида инсон капиталининг хиссаси ривожланган мамлакатларда 75 фоизни, оддий капиталники 19-20 фоизни, табиий ресурсларники фақатгина 2-5 фоизни ташкил қилар экан.


Алоҳида корхона ёки умум жамият тараққиётига таъсир этувчи бирламчи омил-инсон ва унинг салоҳияти эканлиги, меҳнат интизомига риоя қилиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, фан-техника ютуқларини кенг

жорий этиш ва жамиятни самарали бошқариш инсоний капиталнинг қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади.

Жамиятда ишга яроқли ишчилар сони – бу миқдоран ўлчамдир. Уларнинг сифат жиҳати эса – бу ишловчиларнинг малака маҳорати, билими, тажрибасидан иборат. Инсондан ҳеч ажратиб бўлмайдиган бойлик-бу унинг иш кучидир. Бу унинг жисмида мужассасмлашган қобилиятидир. Бу қобилият ортиб, янги-янги қийматлар яратади. Шунга кўра уни инсон капитали деб аташади.[2]

Инсон асосий ишлаб чиқариш кучи унинг меҳнат қобилияти бўлмаса, жамиятда ҳеч қандай иқтисодий ўсиш бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатига ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Замонавий ахборотлашган жамият шароитида шундай ресурслардан бири инсон капитали ҳисобланиб, у бир қанча шарт-шароитлар таъсирида шаклланади (1-расм).



1-расм. Инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи шарт-шароитлар

Ўтган XX асрда иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда фан-техника тараққиёти ва янги шаклланган қарашлар замирида инсонга муносабат тубдан ўзгарди ва инсон иқтисодий самарадолика эришишнинг муҳим шarti сифатида эътироф этилиб, уни

ривожлантириш билан боғлиқ қатор вазифалар ҳал қилиш кераклиги белгилаб олинди.

Бу пайтда инсон иқтисодий муносабатлар тизимида капитал сифатида қабул қилиниб, “оддий” капитал сингари корхонага, оиласига қолаверса бутун жамиятга фойда келтириши ўз тасдиғини топди.

Инсон шахсини ривожлантириш, жисмоний ва ақлий қобилиятини шакллантириш натижасида меҳнатга лаёқатли, малакали ишчи кучи вужудга келади. Бироқ унинг билими, кўникмаси, маҳорати, саломатлиги, ҳаракатчанлиги фаолият муддатлари билан чегараланган вақт давомида иқтисодий омиллар сифатида аҳамиятлидир. Чунки “оддий” капитал каби инсон капитали ҳам жисмонан батамом тугамай туриб, фан-техника тараққиёти суръатларининг жадаллашуви, мавжуд билимлар, кўникмалар, малака кўрсаткичларининг эскириши ҳамда вақтинча соғлиғини йўқотиши муносабати билан маънавий жиҳатдан эскириши мумкин [3].

Инсон капиталининг юқори даражада ривожланиши ва келгуси истиқболи мамлакатдаги ижтимоий соҳанинг ҳолати ва самараси билан узвий боғлиқ. Инсон капиталига хос сифат кўрсаткичларининг инсонда ривожланиши ижтимоий соҳанинг таркибий қисми бўлмиш таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, уй-жой шароитлари, меҳнат шароитлари, инсон ҳуқуқлари ва маданий-маиший хизматлардан самарали фойдаланиш даражасига ҳамда овқатланиш таркиби ва миқдорига боғлиқ. Инсон капитали тушунчаси ижтимоий хизматларга бўлган талабни аниқлаб беради. Моддий ва ижтимоий соҳанинг ўзаро алоқалари марказида инсон туради.

Ижтимоий соҳа моҳиятан инсоннинг камол топиб ривожланишига ва иқтисодий муносабатларда ишчи кучини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, меҳнатнинг мазмуни ва шарт-шароити, яшаш муҳити, бўш вақтини самарали ташкил қилиш билан узвий боғлиқ бўлган фаолият ҳисобланади. Шу боис ҳам иқтисодиётдаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий нуқтаи назардан эмас, балки ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан қараш лозим.

Иқтисодий муносабатлар тизимида ҳар бир меҳнат тури аниқ бир маҳсулотни ёки унинг баъзи бир қисмини яратишга қаратилади. Ижтимоий хизмат кўрсатишда хизматлар тўғридан-тўғри инсонга унинг фаровонлигига қаратилади.

Жамият тараққиёти тарихан шундан далолат берадики, маданиятли, соғлом, билимдон, касбий жиҳатдан тайёргарлиги бўлган фуқароларнинг ишлашидан ҳамиша жамият манфаатдор бўлиб келган. Шунинг учун ҳам инсоннинг ривожланишида устун даражада ижтимоий соҳага эътибор

қаратилади.

Ижтимоий соҳага сарфланган вақт ва маблағ инсон капиталига сарфланган инвестициялардир. Инвестициялар натижасида шаклланган билимлар ва кўникмалар инсоннинг жисмоний, ақлий ва руҳий сифатлари ҳамда қобилиятларини ифодалайди. Инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар негизида шахс, давлат ва умум жамият манфаати ётади [5]. Инсон капиталига сарфланган инвестициялар ҳозирги вақтда иқтисодиёт учун энг самарали ва тез ўзини қоплайдиган инвестиция ҳисобланади.

Инсон капиталига қилинадиган сарф стратегик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, энг фойда келтирувчи ва энг маъқул йўл ҳисобланади. Масалан, иқтисодчиларнинг кўрсатишича, таълим тизими учун сарфланган бир доллар инвестиция 3,5 баробар кўп самара беради [6].

Давлат томонидан инсон капиталига эътибор қаратилиши меҳнат унумдорлигининг ошишига ва юқори иқтисодий ривожланишга эришишга олиб келади. Қайсики, мамлакатда инсон капиталининг аҳамияти пасайса ва аҳоли камбағаллашса ўша давлат ривожланишдан орқада қолади. Ушбунини ҳисобга олган ҳолда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий соҳани молиялаштириш мамлакатимизда эътибордан четда қолмади ва узлуксиз ўсиб бориш тенденцияларига эришилди (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат бюджети харажатлари таркибининг ўзгариш динамикаси¹

Индикатор номи	2020 йил		2021 йил		2022 йил	
	Млд.сўм	Харажатларга нисбатан фоизда	Млд.сўм	Харажатларга нисбатан фоизда	трл.сўм	Харажатларга нисбатан фоизда
Ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлаш харажатлари	66,0	50,0	86,6	52,0	105,2	49,0
Шундан						
Таълим	30,0	45,0	34,6	44,0	46,9	44,4
Соғлиқни сақлаш	14,8	22,4	19,6	22,6	22,7	21,6

¹ Манба: Ҳисоблар учун бюджет қўлланмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Аҳолининг ночор қатламини қўллаб-қувватлаш, таълим ва тиббий ёрдам кўрсатиш хажмининг кенгайиши, уй-жой билан таъминлаш, яшаши ва ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишига айланди.

Кўплаб иқтисодчилар ва таҳлилчилар томонидан XXI асрда саноатнинг барқарор ривожланишида энг аввало, интеллектуал салоҳият, жисмоний ва ақлий қобилиятларгина ишлаб чиқаришнинг муҳим ресурси сифатида етакчилик қилишини таъкидлашмоқда. Айни пайтда ривожланган давлатларда ЯИМнинг 70 дан 85 фоизгача ўсиши янги билимлар ва технологияларнинг ўзлаштирилишига ҳисобига эришилмоқда [7].

Шуниси аниқки, янги билимлар ва технологияларни соғлом ва теран фикрли кишиларгина ўзлаштириши мумкин. Фақат соғлом ва билим даражаси юқори кишиларгина мамлакатнинг иқтисодий ва илмий техникавий тараққиётини таъминлашга қодир. Чунки инсоннинг меҳнат фаолиятига қодирлиги асосан сиёсий-иқтисодий ва руҳий омиллар қаторида ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади.

Кишилар савияси ва сиҳат-саломатлиги мамлакат иқтисодий ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, у яратилган ялпи миллий маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари соф маҳсулот ва миллий даромаднинг яратилишида фаол иштирок этади.

Моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини доимий равишда ошишини, товар ва хизматлар таннархининг кескин пасайишини таъминлаган. Амалда кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналарида моддий ресурслардан тежамли фойдаланишга ҳаракат қилиниб, меҳнат ресурсларининг ишлаши, дам олиши, таълим олиши ва соғлиғини тиклашига етарлича эътибор қаратмайди.

Тараққий этган мамлакатларда корхона ва ташкилотларда бу ҳолатни англаган айрим ишбилармон ва тадбиркорлар соғломлаштириш, ишчи ходимларни қайта тайёрлаш, хордиқ чиқариш тадбирларини анчадан буён қўллаб келмоқда.

Хусусан, АҚШда биринчи соғломлаштириш дастури “Нешнл Хаш Реджистер” компанияси томонидан 1894 йилдаёқ амалга оширилган. Унга кўра корхонада танаффус пайтларида кундузги ва эрталаб жисмоний машқлар ўтказиш учун график тузилган. Кейинчалик компания ўзининг ишчилари ва уларнинг оилалари учун дам олиш уйлари ва гимнастика заллари қурган [9].

Соғломлаштириш тадбирларининг орасида чекиш ва бошқа зарарли

одатларга қарши курашиш ҳам жой олган. Бугунги кунда кўплаб Америка компанияларида соғломлаштириш тадбирлари кенг миқёсда амалга ошириб келинмоқда. Улар асосан даволашга эмас профилактикага йўналтирилган. Мазкур тадбирлар касалликларнинг камайишига ва ишчи ходимларда меҳнат қобилиятини йўқотишининг камайишига, тиббий хизматлардан фойдаланишнинг қисқаришига ва тиббий суғурта тўловларининг камайишига ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишига ва кадрлар салоҳиятининг ўсишига хизмат қилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Инсон капитали иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва юксак тараққиётни белгиловчи куч сифатида эътироф этилаётган экан, мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиши ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли учун муносиб турмуш тарзини яратиш ва тафаккурини ўзгартиришда, инсон капитали ва унинг ўсиши бугунги кун тартибидан жой олиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб инсон капиталининг ривожланишига хизмат қилувчи ижтимоий мажмуа фаолиятини такомиллаштириш ва аҳоли фаровонлигига мослаштиришда қуйидаги таклифларни келтириш мумкин: биринчидан, ёш авлоднинг касб ва мутахассислик танлашида қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олувчи ҳамда ушбудан келиб чиқиб касбга йўналтирувчи тизмни яратиш керак; иккинчидан, таълим муассасаларида рақобатчилик муҳитини кенгайтириб бориш, давлат таълим муассасалари қаторида нодавлат таълим муассасалари ривожланишини қўллаб-қувватлаш; таълим муассасаларида соғлом авлод шаклланишига хизмат қилувчи жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини кўпайтириш, дарслар бошланишидан олдин енгил гимнастиклар бажаришни оммавийлаштириш; тўртинчидан, ёш авлодни тиббий кўрикдан ўтказишни тизимлаштириш ва бу ҳақда ҳисобот юритишни ташкил қилиш; бешинчидан, таълим соҳасини замонавий ва ўзгарувчан шароитлардан келиб чиқиб ислоҳ қилиш; олтинчидан, алоҳида иқтидорга эга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларнинг таълим олишлари учун максимал шарт-шароитларни яратиш лозим.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи газетаси 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778).

2. Жумаев Ч. Сафаров Н. Иқтисодиёт назарияси – Тошкент.: “Тафаккур”, 2009. - Б. 28.

3. Йўлдошева У. Инсон капиталини бошқаришга инвестициявий ёндашув .-Тошкент.: //Бозор пул ва кредит. 2004. -№11. – Б. 35.
4. Саидов К.С, Сийтмуратов Р.А. ва бошқалар Социал иқтисодиёт - Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2006. -Б. 41.
5. Ражабов Ў. Инсон капитали ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида.- Тошкент.: //Иқтисодиёт ва таълим. 2012. -№1. -Б. 48.
6. Умаров У. Иқтисодиёт назарияси - Т.: Меърос. 2004. -Б. 67.
7. Социальная сфера в рыночных условиях. Под ред.Жильцов Е.Н. Ломанова П.Н. -Москва.: ТЕИС, 2004. -27 с
8. Умаров У. Иқтисодиёт назарияси - Тошкент.: Меърос, 2004. -Б. 263.
9. Рахманов Ф.Рекреационный комплекс Республики Азербайджан в переходный период.-Тошкент.: //Бозор пул ва кредит. 2004. -№5. – Б. 39-40.